Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
1 март
ШАНБА
№ 18 (12654)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Наврўз тараддуди

## ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР ЮРТИДА ЯШАШ БАХТИ

**Ўзбек халқининг миллий анъаналари аждоддан авлодга, бободан отага, отадан болага ўтиб келмоқда ва ёшларни тарбиялашда катта ўрин тутмоқда. Зеро, халқимизнинг маданий меросини чуқур билмай туриб, миллий ўзлигини англаш ва миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.**



Миллий байрамларимизнинг ўзига хослиги уларнинг мазмун-моҳияти ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий камол топишига таъсир этувчи анъаналар катта тарбиявий аҳамиятга эгалигида кўринади. Дейлик, Наманган шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган Гул байрами табиатга, борлиққа, унинг гўзаллигига ўзгача нигоҳ билан қарайдиган ёшлар сафининг янада кенгайишига туртки бўлади. Ахир, ҳақиқий гўзаллик кимларни лол қолдирмаган, дейсиз. Гуллардаги мўъжизакор рангларни айтмайсизми? Донишмандлар айтадиларки, гул ушлаган одамдан ёмонлик чиқмайди. Ёки Зомин, Бахмал, Қурама тоғ тизмалари, Чотқол ёнбағирларида ўтадиган кўпкарилар-чи? Азалдан чавандоз бўлиб танилган боболаримизнинг жўмардлиги ифодаси бўлган ушбу сайилни бугун ёшларимиз завқу шавқ билан давом эттирмоқдалар. Тоғли қишлоқларимиздаги ҳар битта хонадонда йилқи боқилади.

Халқимиз, айниқса Наврўзни ўзгача қадрлайди. Шу боис дошқозонларда узоқ қайнайдиган ҳалим ва сумалакнинг тепасида алёру лапарлар, мусиқаю қўшиқлар янграши ҳамюртларимиз ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатни кучайтиради. Энг эътиборлиси, қиш қаҳратонидан толиқиб чиққан вужудлардаги ҳорғинлик ариган, кўтаринки кайфият инган қалбларда яшиллик бағрига чиқиб кетиш истаги уйғонади. Наврўз муносабати билан ҳамма ўзига янги либослар тиктиради, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга киришилиб, уйлар, ҳовлилар, ариқ ва кўчалар яхшилаб тозаланади, момоларимиз эса сумалак учун буғдой ундирадилар.

Айниқса, катта йўл бўйида қатор экилган дарахтлар оқланиб, экин-тикин ишлари учун бир текис ҳайдалган ерлар кўксингизни ажиб ҳисларга тўлдиради.

Шу кунларда бизнинг Ангрен шаҳрида ҳам ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Дов-дарахтларга тарошлаб шакл келтириш, оқлаш билан машғул ёшларни кўриб, кўзингиз қувнайди. 18-умумтаълим мактабида 65 туп арча, 100 туп мевали дарахт ва 100 та терак қаламчаси экилди.

Наврўз байрами бошланган кундан эътиборан одамлар барча хафагарчиликларни унутишга, гина-кудуратга барҳам беришга интиладилар. Шу қутлуғ кунларда жанжалларга чек қўйилади. Меҳмоннавозлик, одамшавандалик яққол намоён бўлади. Беморлардан кўнгил сўраш, бева-бечораларни йўқлаш каби гўзал анъаналаримиз бўй кўрсатади.

Наврўз сайилларида илк бор иштирок этган ҳинд қизи Гита Радхакришнан тўлқинланиб шундай деганди:

– Бизда халқ байрамлари, сайиллар ғоят кўп. Аммо сизларнинг Наврўз айёмингизда миллий руҳ, миллий жозибанинг юксаклигини сездим. Сумалакнинг, ҳалимнинг, кўк сомсаларнинг таъми ҳеч қачон оғзимдан кетмаса керак. Мен бир нечта мамлакатларда бўлганман. Аммо умримда биринчи марта ўзбекларнинг ёқимли таъмли тандир нонини татиб кўрдим, покиза ва шифобахш сумалакни тановул қилдим. Яйловлар узра ёйилган чодирларда хотин-қизлар миллий либосларда рақсга тушганларини, уларнинг камалакдек товланишларини, фольклор қўшиқларини миллий чолғу асбобларни чалиб айтганларини кўриб, гўзал санъатдан баҳраманд бўлдим. Чанқовуз чалиб кўрдим. Санъатни севиши ва миллий оҳанглари билан халқингиз халқимни ёдимга солди. Дўстим, ана шундай унутилмас ва гўзал байрам шодиёналарида иштирок этишимга шароит яратганингиз учун сиздан чексиз миннатдорман...

ЎзМУнинг (аввалги ТошДУ) журналистика факультетини битирган дугонам Гитанинг дил сўзлари ўша вақтдаги "Тошкент университети" газетасидаги мақоласида ҳам қайд этилганди. Мен уни ўша йиллари тоғли қишлоғимга, Наврўз сайлига меҳмонга олиб келганим ҳамон ёдимда. Ростини айтсам, Гитанинг эътирофи менинг Наврўз байрамига, миллий байрамларимиз ва қадриятларимизга меҳримни янада чўғлантириб юборган. Миллий қадриятларнинг умрбоқийлиги ва халқимиз уни юксак қадрлаши бошқа халқлар олдидаги нуфузини янада оширар экан. Шу боис ёшларимизга урф-одатларимиз, анъаналаримизни сингдириб боришимиз ва албатта, халқона удумлардан, миллий либослардан фахр ҳиссини туйишларини доим таъкидлашимиз, ўргатиб боришимиз зарур.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА УНДИРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) 4-банди ҳамда Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларига (рўйхат рақами 2551, 2014 йил 8 январь) асосан, деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимлари тўлиқроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят Молия (Д. Хажиев) ва Давлат солиқ бошқармасининг (Д. Файзуллаев) таклифларига асосан, Бозор ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ, Бозорлар ва савдо комплексларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ, Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг минимал миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими (Ж. Мирорипов) ва бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган йиғимларни белгиланган тартибда тўлиқ ундирилишини таъминласинлар ҳамда бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек кўрсатиладиган мажбурий хизматларнинг тасдиқланган рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча жойларига осиб қўйсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими (Ж. Мирорипов) бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари томонидан бозорларда ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, кўрсатиладиган хизматлар, фойдаланганлик учун ижара тўловлари йиғим миқдорларини кўпайтириш эвазига тушадиган даромадларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда) белгиланган тартибда бюджетга йўналтирилишини назорат қилсин.

4. "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти (У. Абдушоҳидов)га вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғим ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимининг 2013 йил 4 февралдаги 20-сон "Тошкент вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"-ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

2014 йил 22 февраль, Тошкент шаҳри.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

## ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАҚОЗОСИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмасининг "Вилоятда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзуида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.**

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференция қатнашчилари фуқаролик жамияти ривожланишини мониторинг қилиш институти вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Б. Ҳикматов маърузасини тинглаб, муҳокама қилдилар.

*(Давоми 2-бетда).*



Семинар

## ЭЛЛИК БЕШТА ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛАДИ

**Вилоят ҳокимлигида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар барпо этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилишга алоҳида урғу берилди. Семинарда соҳанинг республика ва вилоят миқёсидаги мутасадди раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, иқтисодиёт бўлимлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.**

– Бу йил манзилли дастур доирасида вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 55 та янги корхона очиш мўлжалланмоқда, – деди вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров. – Бунинг учун 21 миллиард сўм инвестиция киритиш белгиланган. Натижада мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Нафақат ички бозорларимиз, балки хорижга янги савдо белгисидаги маҳсулотларимиз кириб боради.

Тадбирда суғурта, банк, лизинг, консалтинг, логистика каби қатор ташкилотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга таклиф этаётган хизматлар тақдимоти ўтказилди. Ўзбек-Хитой савдо уйи вакиллари хориждан ускуналар келтириш йўл-йўриқлари билан иштирокчиларни таништиришди. Муқобил энергия манбаи, замонавий қадоқлаш ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна ҳамда тегирмонлар тўғрисидаги маълумотлар тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ташаббуси билан ўзбекистонлик тадбиркорлар Германия ҳамда Европа Иттифоқининг "Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури" доирасида хориж мамлакатларида малака оширишаётгани яхши самара бераётгани таъкидланди. Кўплаб тадбиркорлар мазкур халқаро ўқишларда иштирок этиш истагини билдиришди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ҲУШЁР ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

**Қибрай тумани агротижорат касб-ҳунар коллежида "Ҳушёр ёшлар – юрт таянчи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Йиғилишда "Ахборот хуружлари, оммавий маданиятнинг ёшлар онгига таъсири" мавзуида коллеж ўқувчилари билан фикр алмашилди. Шунингдек, компьютер технологияси ривожланган даврда "оммавий маданият"нинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири, ҳар хил ахборот хуружларидан сақланиш, ақидапарастлик, миссионерлик оқимлари таъсирига тушиб қолишдан сақлашда коллеж – маҳалла – оила ҳамкорлигининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «СОХТА МАЪЛУМОТЛАР КИМГА КЕРАК?»

Газетанинг 2014 йил 5 февраль 11-сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилинган эди. Унда Ўрта Чирчиқ туманида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришда сохтакорликларга йўл қўйилгани хусусида айтиб ўтилган.

Ушбу мақола юзасидан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Олимова имзоси билан жавоб хати олинди.

Унда айтилишича ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган йиғилишда мақолада кўрсатилган камчиликлар муҳокама этилган.

Мақолада "Русланбек транс сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари етти нафар ўқувчи билан уч томонлама шартнома имзолагани, улардан уч нафари амалиётдан сўнг олти ой мобайнида шу ерда ишлагани ҳақида маълумотлар бергани айтилган.

Жавоб хатида таъкидланишича аслида ушбу масъулияти чекланган жамият тўрт нафар ўқувчи билан шартнома тузганлиги маълум бўлган.

Кейинчалик турли сабабларга кўра улар ишдан бўшатилган.

Коллеж маъмурияти уларни қайта ишга жойлаштиришга масъул этиб гуруҳ раҳбари Ҳилола Холиқуловани бириктирган.

Йиғилишда келгусида бу каби камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида коллежларда маҳалла фаоллари ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан доимий мониторинг ишларини янада кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган.

## «ҒАШГА ТЕГАЁТГАН КУРМАКЛАР»

Газетанинг шу йил 1 февралдаги 10-сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Қуйи Чирчиқ туманида корхона, ташкилот ва муассасалар лозим бўлса-бўлмаса, рус ва инглиз тилларида ёзилган, бунинг устига ҳарфий хатоларга тўла ёрлиқ, реклама ва эълон тарзидаги битиклар кўпайиб кетганлиги танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан туман ҳокими Ж. Абдураззоқов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, мақола туман фаоллари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида махсус ишчи гуруҳ тузилди. Унинг аъзолари жойларга чиқиб аҳволни ўрганишга киришди.

Жумладан, "Дўстободагротехсервис МТП" МЧЖга қарашли автомашиналарни ювиш жойидаги ҳамда "Эшонқулов Санжар" хусусий тадбиркорлик дўкони пештоқларидаги ажнабий тилларда ёзилган палапартиш битиклар олиб ташланди. Юқоридаги камчиликларни келгусида такрорламаслик мақсадида ҳар икки жамоа раҳбарлари огоҳлантирилди ва "Давлат тили ҳақида" ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти билан таништирилди.

Мақолада кўрсатилган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туманнинг барча ҳудудларидаги паннолар, реклама ва банерлар, корхона, ташкилот ва муассасалар пештоқидаги беўхшов битиклар ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

## «ДАРАХТЛАР КИМНИНГ МАҲРИГА ТУШГАН?»

Газетанинг 2014 йил 8 февралдаги 12-сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Бўстонлиқ тумани марказий кўчаларидаги дарахтларга реклама ва эълонлар тахтачалари бетартиб қоқиб ташлангани, бу эса қатор қоидаларга зидлиги ҳақида танқидий мулоҳазалар билдирилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Бўстонлиқ тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Э. Пўлатов имзоси билан жавоб хати олинди. Маълум қилинишича, туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда мақолада кўрсатилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди ва тартибсизликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга вазифалар юклатилди. Шунингдек, бундай нохуш манзаралар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида "Марказий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда туман экология қўмитаси раҳбарлари огоҳлантирилди.

Мақолада келтирилган камчиликлар шу куннинг ўзида бартараф этилди.

# ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАҚОЗОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маърузачи ва мунозара иштирокчилари аввало институтнинг мониторинг тадқиқотлари самараси ўлароқ фуқаролик жамияти институтларининг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамияти кучайганлигини таъкидладилар. 2013 йил давомида вилоятда ННТлар аввалги йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайиб, бугунги кунда 642 тага етди. Шу билан бирга аҳоли турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда уларнинг иштироки фаоллашди. Эндиликда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш юзасидан қабул қилинаётган Давлат дастурларини амалга оширишда ҳудудий ННТлар фаол қатнашмоқда.

Конференция қатнашчилари ҳозирги кунга келиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлатимиз раҳбари оқилона ва одилона таърифлаганидек, "демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий манфаатини оширишнинг муҳим омилига айланаётгани"ни алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, ҳисобот анжуманида институтнинг вилоят ҳудудий бўлинмаси олдида турган вазифаларни бажаришда ҳали ишга солинмаган имкониятларга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

Конференция очиқ ва ишчан мулоқот тарзида ўтди. Анжуманда баён этилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларидаги ролини янада оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ДАСТУРИМИЗ ҚАМРОВИ КЕНГ



**Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева:**

– Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидаги ролини ошириш, хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалардан биридир. Вилоятимизда шу мақсадларга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, шу дастур асосида иш олиб бормоқда. 2013 йил давомида аёлларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган 168 та илмий-амалий конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Республика Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан 872 марта йиғилиш, учрашув-мулоқот ва давра суҳбатлари, кўплаб турли танловлар ўтказилди. Бу тадбирлар ўз самарасини бераяпти, албатта. Аммо олдимизда янада муҳим ва зарур вазифалар турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлагнидек, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаларининг оғирини енгил қилиш орқали оилаларимизни фаровон этиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

# ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИДА



**Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани вилоят ҳудудий вакили Лазиза Ғафурова:**

– Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг давлат органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларига мурожаат қилиш институти кескин ўзгарди. Сабаби шундаки, давлат аппаратининг таркибий тузилиши ва вазифалари ҳам тубдан янгиланди. Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида янги ижтимоий устуворликлар вужудга келди. Уларнинг ҳаммаси изчил ривожлана бориб, давлат органлари ва мансабдор шахслар, биринчи галда ижроия ҳокимияти органларининг фуқароларнинг мурожаатлари, шу жумладан, шикоят, ариза ва таклифларига асосий ёндашувлари тамойилларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлатга ва у барпо этган органларга мурожаат қиладилар. Зеро, ушбу органлар уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш ва лозим даражада жавоб беришга масъулдир. Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш аслида ҳам мансабдор шахсларнинг хизмат бурчлари бўлибгина қолмай, уларнинг конституциявий мажбуриятлари ҳамдир.

Мукаммал қонунларимизнинг фаол тарғиботи натижасида фуқаролар ҳуқуқий онги ўсгани сайин инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга тушаётган мурожаатлар кўпайиб бораяпти. Муаммоларни жойида ҳал қилишга эътиборлироқ бўлсак, бу мурожаатлар кўлами анча камаяди.



# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ДЕПУТАТ СЎЗИНИНГ САЛМОҒИ



**Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов:**

– Партия мафкурасини кенг тарғиб этиш ҳақида сўз юритар эканмиз, сиёсий ўқув-машғулотларнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида қайд этиш лозим. Улар, асосан, сиёсий семинар, тренинг, давра суҳбатлари ва турли шакллардаги тадбирлар кўринишида ўтказилади ҳамда ОАВларда мунтазам ёритиб борилади.

Жумладан, 2013 йил давомида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида партия вилоят кенгаши 20 та сиёсий машғулот ўтказиб, уларда 2000 тингловчи қатнашди. Туман ва шаҳар партия кенгашлари эса 286 та сиёсий машғулотга 15 минг 534 партия аъзоси ва электорат вакилларини жалб этди. Бошланғич ташкилотлар уюштирган 823 та ўқув-машғулотларида 17 минг 345 электорат вакили иштирок этди.

2013 йилда партия вилоят кенгаши ўтказган аксарият тадбирлар электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш ҳамда мавжуд қонунларни такомиллаштириш масалаларига қаратилди. Бунда биз ўтказилаётган тадбирларнинг мақсадли бўлишига ва аниқ натижаларга эришишга асосий эътиборни қаратдик.

Шаҳар ва туман кенгашларимиз қошида ташкил этилган "Жамоатчилик қабулхонаси"га 2013 йилда 684 мурожаат тушиб, уларнинг 160 таси коммунал соҳа,160 таси иш билан таъминлаш, 37 таси иш ҳақи ва нафақа, 66 таси ер олиш ва уй-жой қуриш, қолганлари бошқа масалаларга тегишли. Мурожаатларнинг 65 фоиздан кўпроғи ижобий ечимини топди. Бунда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ҳам ҳиссаси бор. Хусусан, фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида 34 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, аксарият масалалар ижобий ҳал этилди.

# ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

**Ўзбекистон Республикаси "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят вакиллиги раиси Баҳром Холдоров:**

– Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мамлакат учун жуда муҳим бўлган лойиҳалар ижросига фаол жалб этиш ва амалий иштирокларини таъминлаш юртимизнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожига сезиларли ёрдам кўрсатиши шубҳасиз. Ҳисобот конференцияси шуни яққол кўрсатдики, бугунги кунда давлат сектори янги иш жойлари барпо этиш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим масалаларни ижобий ҳал этишда тадбиркорлар, шунингдек, учинчи сектор (нодавлат нотижорат ташкилотлар) вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, шунингдек, фуқаролик онгу шуури ва ижтимоий фаоллиги ошаётганидан далолат беради. Тадбиркорлар, фуқаролик жамиятлари фаоллари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иштирокчиларининг аксарияти қонун устуворлигига амал қилиш зарурлигини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси



Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишлари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан яхши хабардор эканликларини намойиш қилдилар.

**"Ибн Сино" жамоат фонди вилоят филиали раҳбари Камола Тўлаганова:**

– Филиалимиз вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, ОИТСга қарши кураш маркази, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб боради. Республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмагида, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ходимлари билан ҳамкорликда ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида шаҳар ва туман аҳолиси ўртасида "Соғломлаштириш ҳафталиги" доирасида 2013 йил давомида 223 та тадбир ўтказилди.

Жамоат фондининг грант танловларида филиалимиз фаол иштирок этиб, уч марта ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, 2013 йил "Обод турмуш йили" вилоят



# СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲИССАМИЗ БОР

Дастури ижроси юзасидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказдик.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиб бориши билан ижтимоий соҳага оид вазифаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари қаторида нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва роли ҳам ортиб бораётир. Бу ўринда Президентимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" алоҳида аҳамиятга эга. Буни сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари кўпайиб, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни амалга оширмоқда.

# РИВОЖ ШИДДАТИ ЁШЛАРГА БОҒЛИҚ



**"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши раиси Оллоқул Худойбердиев:**

– Ҳаракатнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлод ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, йигит-қизларнинг маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан иборат.

Вилоятда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари сафи йилдан-йилга кенгайиб, бугунги кунда 444,4 мингга етди.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшлар иштирокини таъминлаш мақсадида "Камолот"нинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, адлия бошқармаси, прокуратура, ИИБ, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, ФЖШМҚМИ вилоят бўлинмаси, сиёсий партияларнинг "Ёшлар қанотлари" билан ҳамкорликда 2013 йил давомида 456 дан ортиқ илмий-амалий конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Ёшлар ўртасида Олий Мажлис Сенатида қонунчиликдаги ислоҳотлар жараёни ҳамда Сенат фаолияти, сенаторларнинг вазифаси, бугунги кунда юртимизда фан, таълим, маданият ва спорт йўналишларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда чет давлатларда айнан шу йўналишдаги ишлар билан таққослаш орқали ёшларга тушунтириш мақсадида, вилоятнинг 50 нафар фаол ёшлари иштирокида Олий Мажлис Сенати аъзолари билан учрашувлар ташкил этилди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида барча таълим муассасаларида "Концепция – мамлакатимиз тараққиётининг кафолати" тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

# МАҲАЛЛА – ХАЛҚ ВИЖДОНИ

**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Абдурашид Расулов:**

– Аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, оилаларнинг осойишталигини сақлаш, иқтисодий ночор оилаларга, ёлғиз ва ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиш, ҳудудларнинг озода ва кўркамлигини таъминлаш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар, адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси, "Камолот" ЁИҲ ва бош-



қа қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 2013 йилда маҳалла, гузар, корхона ва ташкилотларда маҳалланинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, фуқаролар йиғинлари вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга, ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштиришга оид 22 минг 267 та конференция, семинар, давра суҳбати, учрашув ва йиғилишлар ўтказилди.

2013 йилда вилоят фонди фуқаролар йиғинлари тавсияларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва пенсионерларга 22 мингта радиоприёмник тарқатилди. Уйда таълим олувчи 12 ногирон ва боқувчисини йўқотган ўқувчиларга 12 та компьютер жамламалари олиб берилди. Зангиота туманидаги икки ногиронга аравача тақдим этилди. Олий таълим муассасаларида бакалавр босқичида таълим олаётган ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган талабалар учун шартнома пулларини тўлаш мақсадида рўйхатлари тузилиб, 20 талаба учун 43 миллион 525 минг сўм тўлаб берилди.

Ўтган йиллар давомида вилоят маҳаллаларида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли сезиларли ютуқларга эришилди. Бироқ бу билан қаноатланиб қолмаслигимиз керак. Жумладан, маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш учун ҳам кўп иш қилишимиз зарур. Шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришини таъминлаш бундан буёнги устувор вазифамиздир.

# МАСЪУЛИЯТНИ ТЕРАН АНГЛАШ КЕРАК



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Убайдулла Абдушоҳидов:**

– Вилоятдаги етмишга яқин оммавий ахборот воситалари орасида аниқ ижтимоий-сиёсий мақсад ва вазифаларга эгалари ҳам, кўнгилочар йўналишдагилари ҳам бор.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Бугун ушбу нашрлар жамият ривожига қай даражада ҳисса қўшмоқда? Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланаётган илдам қадамларда уларнинг ўрни қай даражада?"

Бир қарашда, нашрларнинг бари замон билан баравар одимлаб бораётгандек. Ахборот тезкорлиги бўйича ҳам ортда қолаётгани йўқ. Воқеа-ҳодисалар, тадбирлар ҳақида хабарлар вақтида бериб борилаяпти. Лекин...

Ҳамма гап шу лекинда. Кундалик ҳаёт, йиғилишлару анжуманлар, маросимлар ҳақидаги ахборотларга берилиб кетиб, оммавий ахборот воситаларининг "тўртинчи ҳокимият" сифатида эътироф этилишига асосий сабаб – таҳлилий-танқидий материаллар, "Журналист суриштируви" рукни остидаги мақолаларга эътибор сусайгандек. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари кўплаб чиқишларида оммавий ахборот воситалари, хусусан, журналистлар олдига жамиятимизда рўй бераётган янгиланишлар, соҳаларда эришилаётган ютуқларни оммага етказиш баробарида, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган, ислоҳотлар илдизига болта ураётган иллатлар, камчилик ва нуқсонлар, муаммоларни дадил ёритиш вазифасини ҳам қўймоқда.

Шундай экан, нашрларнинг фақат шакли-шамойили ва кўринишигагина эмас, мазмун-мундарижасига ҳам кўпроқ эътибор бериш зарур. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида шу тадрижий ривожланиш йўлидаги муаммоларни мавжуд барча жанрларда моҳирона ёрита билиш керак. Вилоятимизда бу ишга озми-кўпми ҳисса қўшаётган таҳририятлар бор. Бироқ, эски қолипдан чиқиб кетолмаётган жамоалар ҳам етарли.

Таҳлилий материал ёзиш учун ижодкор аввало соҳани яхши билиши, ундаги ютуқлару камчиликларни, тарғиб қилишга арзигулик ишлару ривожга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни илғай олиши керак. Журналистларнинг ихтисослашув масаласига эса айрим таҳририятларда ечими мушкул муаммо сифатида қаралмоқда. Уларнинг муҳаррирлари "ижодий ходимлар ўзи саноқли бўлса, мухбир ҳар қандай мавзуда ёза билиши шарт" дея, қўл силтаб қўйишади.

Бундай муносабат билан эса, таҳлил мукаммаллиги хусусида баҳслашиш бефойда экани кундай равшан.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлмай, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмай, аввалам бор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу фикрни ўз олдимизга қўйилган олий мақсад деб билиб, ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, режаларда белгиланган мақсадларга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Мамлакатимизда ҳар жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик, янгиланиш жараёнлари ҳар биримизга ғурур ва мамнуният бағишлаши табиийдир. Шундай экан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурини самарали амалга оширишда ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мазкур жараёнларда оммавий ахборот воситалари, жумладан журналистларнинг ўз масъулиятини теран англаган ҳолда фаол иштирок этиши Ватанимиз равнақи, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ҳалқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришдек эзгу ишларимизнинг рўёбига хизмат қилади.

**Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ва Азамат АҲМЕДОВ (суратлар) тайёрлади.**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА УНДИРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ИЛОВАЛАР

**1-ИЛОВА**

**Бозор ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари**

| № | Маҳсулот тури | Ўлчов бирлиги | Вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар | Туман-лар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Маҳсулотларини растадаги савдо ўринларида сотиш:** | | | |
| 1.1 | **Мевалар:** **Хўл мевалар:** олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча, қулупнай, малина ва ҳ.к | 1 ўрин кунга | 5500 | 4500 |
| | цитрус мевалар (апельсин, мандарин, лимон) тропик мевалар (банан, ананас, киви ва ҳ.к) ҳамда чет элдан келтирилган хўл мевалар | 1 ўрин кунга | 7500 | 7500 |
| 1.2 | **Куруқ мевалар, ёнғоқлар:** туршак, баргак, маиз, ёнғоқ, ер-ёнғоқ, бодом, писталар, шўр данак ва ҳ.қ | 1 ўрин кунга | 8000 | 6500 |
| 1.3 | **Сабзавотлар:** картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампири, бақлажон, боимжон, патиссон, помидор, бодиринг ва пиширилган жўхори ҳ.к | 1 ўрин кунга | 3500 | 3500 |
| | Иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодиринг | 1 ўрин кунга | 6000 | 6000 |
| 1.4 | **Полиз махсулотлри:** хандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (ҳар 6 кв.м жой учун) | 1 ўрин кунга | 6000 | 6000 |
| 1.5 | **Дон маҳсулотлари:** кунгабоқар, ёрмалар (крупа), кунгабоқар, ёрмалар (крупа), буғдой, сули, арпа ва ҳ.к. | 1 ўрин кунга | 4000 | 4000 |
| | Гуруч | 1 ўрин кунга | 6000 | 5500 |
| 1.6 | **Дуккакли маҳсулотлар:** мош, ловия, нўхат ва ҳ.к. | 1 ўрин кунга | 4000 | 4000 |
| 1.7 | **Сут маҳсулотлари:** сут, қатиқ, сузма ва ҳ.к. | 1 ўрин кунга | 4000 | 3500 |
| | Қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, ва ҳ.к. | 1 ўрин кунга | 6000 | 5000 |
| 1.8 | **Тузламалар ва бошқа маҳсулотлар:** карам, бодринг, помидор ва ҳ.к | 1 ўрин кунга | 4500 | 4000 |
| 1.9 | **Зиравор ва дориворлар (зира, муруч, қалампир ва ҳ.к.)** | 1 ўрин кунга | 4500 | 4000 |
| 1.10 | **Асал** | 1 ўрин кунга | 7000 | 6000 |
| 1.11 | **Кўкатлар** (шу жумладан иссиқхоналарда етиштирилган кўкатлар) | 1 ўрин кунга | 2500 | 2500 |
| 1.12 | **Тухум** | 1 ўрин кунга | 3500 | 3500 |
| 1.13 | **Гуллар ва тувак гуллар (ҳар 6 кв.м жой учун)** | 1 ўрин кунга | 10000 | 8000 |
| 1.14 | **Кўчатлар (ҳар 6 кв.м жой учун)** | 1 ўрин кунга | 12000 | 12000 |
| 1.15 | **Нон махсулотлари: оби нон, ёғлиқ патир ва ҳ.к.** | 1 ўрин кунга | 4000 | 4000 |
| 1.16 | **Уйда тайёрланган консерваланган махсулотлар, қандолат маҳсулотлари ва уй шароитида тайёрланган пишириқлар** | 1 ўрин кунга | 5000 | 5000 |
| 1.17 | **Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар ва музқаймоқлар** | 1 ўрин кунга | 6500 | 6500 |
| 1.18 | **Миллий ва тансиқ таомларни сотиш** | 1 ўрин кунга | 7500 | 7500 |
| 1.19 | **Полиэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посилка қутилар сотиш** | 1 ўрин кунга | 3000 | 3000 |
| 1.20 | **Супурги** | 1 ўрин кунга | 3500 | 3500 |
| 1.21 | **Тирик балиқ** Шу жумладан балиқ ва балиқ махсулотлари | 1 ўрин кунга | 9500 | 9000 |
| 1.22 | **Халқ ижодкорлиги, халқ ҳунармандчилик ва косибчилик товарлари (6 кв. метргача)** | 1 ўрин кунга | 6000 | 6000 |
| 2 | **Гўшт маҳсулотлари:** мол, қўй, чўчқа ва парранда гўшти, жигар ва думба; | 1 ўрин кунга | 12000 | 12000 |
| 3 | **Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:** | | | |
| | енгил автомашиналардан сотиш | 1 машина | 9500 | 9500 |
| | юк автомашиналардан сотиш | 1 машина | 15000 | 15000 |
| | тиркамали, ярим тиркамали, юк автомашиналари ва автопоездлардан сотиш | 1 машина | 20000 | 20000 |
| | маҳсулотларни ердан сотиш (махсус ажратилган жойларда) (6 кв.метргача майдонда) | 1 ўрин кунга | 12000 | 12000 |
| 4 | ***Уй хайвонлари учун ем-озуқалар :*** (шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон гуруч пояси, маккажўхор пояси ва ҳ.к.) | *1 ўрин кунга* | *2000* | *2000* |
| | шу жумладан; ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун | 1 машина | 15000 | 15000 |
| 5 | **Қурилиш материалларини сотиш:** | | | |
| 5.1 | **"Хасанбой" савдо комплексида** | | | |
| | Қурилиш моллари (50 кв.м. гача) | 1 ўрин кунга | 15000 | |
| | *Карбид, электрод, мих, сантехника (3 кв.м.гача)* | *1 ўрин кунга* | *7500* | |
| | *Контейнерлардан омборхона сифатида фойдаланиш учун ( 1 кв.м.га )* | *1 ўрин кунга* | *400* | |
| | *Бостирмалар тагида омборхона сифатида фойдаланиш учун ( 1 кв.м.га )* | *1 ўрин кунга* | *350* | |
| 5.2 | **"Тож ялло" савдо комплексида** | | | |
| | Ишлатилган курилиш моллари ( 50 кв.м.гача) | 1 ўрин кунга | 7500 | |
| | Карбид, электрод, мих ( 3 кв.м.гача) | 1 ўрин кунга | 6500 | |
| | Бошка қурилиш моллари ( 50 кв.м.гача ) | 1 ўрин кунга | 13000 | |
| 5.3 | **"Сазоворсавдо" савдо комплексида** | | | |
| | **Тўсин (кругляк)** | | | |
| | а) 30 кв.м.гача | 1 ўрин кунга | 3750 | |
| | б) 60 кв.м.гача | 1 ўрин кунга | 7500 | |
| | в) 90 кв.м.гача | 1 ўрин кунга | 11250 | |
| | г) 120 кв.м.гача | 1 ўрин кунга | 15000 | |
| | Карбит, электрод, лак буёқлар ( 3 кв.м.гача ) | 1 ўрин кунга | 6500 | |
| | Бошқа қурилиш моллари ( 50 кв.м.гача ) | 1 ўрин кунга | 13000 | |
| | Бозор ҳудудида бўш бўлган майдонда қурилиш маҳсулотларини сақлаш учун ( 120 кв.м.гача ) | 1 ўрин кунга | 10000 | |
| 5.4 | **Бозорлар ва савдо комплекслари томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:** | | | |
| | а) 6 кв.метргача | 1 ўрин кунга | 13000 | 13000 |
| | б) 6-15 кв.метргача майдонда | 1 ўрин кунга | 15000 | 15000 |
| | в) 15-30 кв.метргача майдонда | 1 ўрин кунга | 25000 | 25000 |
| 5.5 | **Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светилниклар ва ҳ.к.) сотиш** | 1 ўрин кунга | 6500 | 6500 |
| 5.6 | **Фойдаланишда бўлган қурилиш материаллари (труба, арматура, уголок, шифер, тунука ва х.к) 50 кв.метргача** | 1 ўрин кунга | 15000 | 15000 |
| 6 | **Бозорлар ва савдо комплексларида эски ишлатилган маҳсулотларни сотиш:** | | | |
| | Автомобил эҳтиёт қисмларини сотиш | 1 ўрин кунга | 6000 | 6000 |
| | Уй-жиҳоз буюмлари, фойдаланилган кийим-кечакларни сотиш (ҳар бир кв.м учун) | 1 ўрин кунга | 2500 | 2000 |
| 7 | **Автотранспорт воситаларини сотиш:** | | | |
| | енгил автомашиналар ва микроавтобуслар | 1 дона | 7000 | 7000 |
| | юк автомашиналари, автобуслари, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари | 1 дона | 10000 | 10000 |
| | мотоцикл, мотореллер и мопедлар | 1 дона | 3000 | 3000 |
| | Велосипед | 1 дона | 2000 | 2000 |
| 8 | **Мол бозорига олиб кириладиган хар бир чорва моллари учун** | | | |
| 8.1 | **От, той, туя** | 1 бош | 12000 | 12000 |
| | Эшак, бўталоқ | 1 бош | 4000 | 4000 |
| 8.2 | **Йирик шохли қорамол** | | | |
| | Йирик шохли қорамол | 1 бош | 12000 | 12000 |
| | Бузоқ | 1 бош | 9000 | 9000 |
| 8.3 | **Майда шохли қорамол** | | | |
| | Қўй, эчки, | 1 бош | 6000 | 6000 |
| | Қўзи, улоқ | 1 бош | 5000 | 5000 |
| | Чўчқа, чўчқа боласи | 1 бош | 4000 | 4000 |
| 9 | **Уй паррандалари:** курка, товуқ, ўрдак, ғоз | 1 бош | 800 | 800 |
| | жўжалар (курка, товуқ, ўрдак, ғоз) | 10 бош | 750 | 750 |
| 9.1 | **Чорва моллар бозорларида эгар, арқон, юган, ҳалқа, тақа ва бошқалар сотиш (1,2 м учун)** | 1 ўрин кунга | 5000 | 5000 |
| 10 | **Турли зотдаги ит ва мушуклар** | 1 ўрин кунга | 3000 | 3000 |
| 11 | **Манзарали қуш ва балиқлар** | 1 ўрин кунга | 3000 | 3000 |
| 13 | **Турли зотдаги ит ва мушуклар, манзарали қуш ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари, аксессуарлари ва буюмлари билан бир жойда** | 1 ўрин кунга | 5000 | 5000 |
| 14 | **Пойабзал таъмирлаш хизмати** | 1 ўрин кунга | 5000 | 4000 |

ИЗОҲ: 1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ҳалқ истеъмоли моллари билан савдо қилганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Бир сотувчи томонидан бир неча хил маҳсулотлар сотилса, бир марталик йиғим тўлови энг юқори маҳсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдорида ундирилади.

**2-ИЛОВА**

**Бозорлар ва савдо комплексларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари**

| № | Кўрсатиладиган хизматлар тури | Ўлчов бирлиги | Вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар | Туманлар |
|---|---|---|---|---|
| I. | **Инвентарларни ижарага бериш:** | | | |
| 1.1 | **Тош-тарозлар учун** | 1 кунга | 1500 | 1500 |
| 1.2 | **Катта юк тортиш тарозилари учун** | | | |
| | 150 кг.гача тортадиган | 1 кунга | 3000 | 3000 |
| | 150 кг.дан 1500 кг.гача тортадиган | 1 кунга | 7000 | 6500 |
| 1.3 | **Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва ҳ.к)** (бутун тўплам учун савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади) | 1 кунга | 1000 | 600 |
| 1.4 | **Маҳсус уст-бош кийимдан фойдаланиш: (халат этак енглик) (бутун тўплам учун савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)** | 1 кунга | 400 | 400 |
| 1.5 | **Маҳсулотлар учун брезент бериш** | 1 кунга | 1000 | 800 |
| 1.6 | **Юк аравачалари учун** | 1 кунга | 7000 | 6500 |
| 1.7 | **Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланилганлиги учун (1м.кв)** | 1 кунга | 1000 | 850 |
| 2 | **Кўрсатиладиган хизматлар тури** | | | |
| 2.1 | **Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш:** | | | |
| | совутгичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) | 1 кунга | 1800 | 1800 |
| | омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) | 1 кунга | 1300 | 1300 |
| | бозор худудидаги очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан) | 1 кунга | 1300 | 1300 |
| 2.2 | **Омборларда буюмларни сақлаш (50х50х100 ўлчамдаги 1 жой учун)** | 1 кунга | 1200 | 1000 |
| 3 | **Маҳсулотларни тарозида тортиш:** | | | |
| | катта юк тарозида | 1 марта тортиш | 800 | 600 |
| | йирик ва майда шоҳли қорамолни тортиш | 1 марта тортиш | 1500 | 1000 |
| 4 | **Автотарозилардан фойдаланиш:** | | | |
| | **юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:** | | | |
| | юк билан | 1 марта тортиш | 2500 | 2000 |
| | юксиз | 1 марта тортиш | 2000 | 1500 |
| | **юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналаридан** | | | |
| | юк билан | 1 марта тортиш | 1500 | 1500 |
| | юксиз | 1 марта тортиш | 1200 | 1200 |
| | **енгил автомашиналардан:** | | | |
| | юк билан | 1 марта тортиш | 1200 | 1200 |
| | юксиз | 1 марта тортиш | 1000 | 1000 |
| | **тиркамали енгил автомашиналардан:** | | | |
| | юк билан | 1 марта тортиш | 1500 | 1500 |
| | юксиз | 1 марта тортиш | 1200 | 1200 |
| 5 | **Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1та жой учун)** | 1 кунга | 4000 | 4000 |
| 6 | **Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:** | | | |
| | енгил автомашиналар учун | 1 соатга | 1000 | 1000 |
| | юк автомашиналар учун | 1 соатга | 2000 | 2000 |
| 7 | **Бозор балансида бўлган ҳожатхона хизматидан фойдаланиш** | 1 марта | 300 | 300 |
| 8 | **Телефондан фойдаланиш** | 1 марта | 300 | 300 |
| 9 | **Радиоузел орқали эълон** | 3 марта такрор | 300 | 300 |

ЭСЛАТМА: нон, сут, гўшт, пиширилган озиқ-овқат ва кондитер маҳсулотларини сотувчилар махсус уст-бош кийимларидан фойдаланиши мажбурийдир.

**3-ИЛОВА**

**Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулк ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг минимал миқдорлари**

| № | Бозорлар ва савдо комплекслар номи | Ўлчов бирлиги (ойлик тўлов) | Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | Ноозиқ-овқатлар махсулотлари сотиш | Умумий овқатланиш тармоқлари учун | Майиши хизмат кўрсатиш тармоқлари учун | Бошқа турдагилар учун (омбор, офис, дорихона, пайнет х.к) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | **Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоат ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари** | | | | | | |
| 1.1 | Бўстонлик туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,2 | Бўка туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 6600 | 6800 | 6800 | 6800 | 6800 |
| 1,3 | Зангиота туман Хўжалик моллари ва хунармандлар савдо комплекси. МЧЖ | 1кв.метр учун | 27000 | 27000 | 27000 | 27000 | 27000 |
| 1,4 | Зангиота туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,5 | Хасанбой савдо комплекси. МЧЖ | 1кв.метр учун | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 |
| 1,6 | Илм шуъласи савдо комплекси. МЧЖ | 1кв.метр учун | 27000 | 27000 | 27000 | 27000 | 27000 |
| 1,7 | Юкоричирчик туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,8 | Оққўғон туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,9 | Оҳангарон туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,10 | Паркент туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,11 | Пискент туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,12 | Чиноз туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,13 | Чиноз туман савдо комплекси. МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,14 | Уртачирик туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,15 | Куйичирчик туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,16 | Янгийул туман деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| | икки қаватли савдо павильонининг иккинчи қаватидаги турғун савдо шохобчаларидан | 1кв.метр учун | 15000 | 15000 | 15000 | 15000 | 15000 |
| | Чорва моллар филиалидаги турғун савдо шохобчаларидан | 1кв.метр учун | 9000 | 9000 | 9000 | 9000 | 9000 |
| 1,17 | Янгийул туман савдо комплекси МЧЖ | 1кв.метр учун | 40500 | 40500 | 40500 | 40500 | 40500 |
| | Савдо комплекснинг ички қисмидаги 30 та дўкондан иборат блокга | 1кв.метр учун | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 |
| | ёпиқ павильони ичидаги 38 та турғун савдо шохобчаларидан | 1кв.метр учун | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 | 24000 |
| 1,18 | Ангрен шаҳар деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| | Озиқ-овқат павильонидаги турғун савдо шахобчаларидан | 1кв.метр учун | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 | 30000 |
| 1,19 | Олмалик шаҳар деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| 1,20 | Олмалик шаҳар савдо комплекси.МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| 1,21 | Бекобод шаҳар деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| 1,22 | Бекобод шаҳар савдо комплекси МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| 1,23 | Чирчик шаҳар деҳқон бозори МЧЖ | 1кв.метр учун | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 | 36000 |
| 1.24 | Ангрен шаҳар "Ангрен савдо мажмуаси" МЧЖ | 1кв.метр учун | 13700 | 13700 | 13700 | 13700 | 13700 |

| 2. | Бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун тўловларининг миқдорлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| **№** | **Ундириладиган тўлов тури** | Ўлчов бирлиги (ойлик тўлов) | Вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар | Туманлар |
| 2.1. | Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги мулкдорларга тегишли бўлган хожатхоналардан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов | 1 кв. метр учун | 10000 | 9000 |
| 2.2. | Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоат ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов | 1 кв. метр учун | 5000 | 3500 |
| 2.3. | Янгийўл туман савдо комплекси ҳудудидаги бино, иншоат ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов | 1 кв. метр учун | 6000 | |
| 2.4. | Янгийўл туман деҳқон бозори ҳудудидаги бино, иншоат ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов | 1 кв. метр учун | 5000 | |


## ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 03.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси. Бошланғич баҳоси – 81 986 276 сўм. 2. Чиноз тумани СИБ томонидан 22.07.2011 й. № 11-1128/0506-сонли ижро ҳужжатига асосан Чиноз тумани, Янги Чиноз, Наврўз кўчаси ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 54 259 470 сўм. 3. Чиноз тумани СИБ томонидан 17.08.2009 й. № 11-0928/9686-сонли ижро ҳужжатига асосан Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 51 937 290 сўм. 4. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. ижро ҳужжатига асосан Ўрта Чирчиқ туман, Туябўғиз қўрғони, Фазогирлар кўчасидаги 11/2-уй. Бошланғич баҳоси – 44 000 000 сўм. 5. Олмалиқ шахар СИБ томонидан 09.03.2012 й. № 3883-сонли ижро ҳужжатига асосан Олмалиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 20-манзилда жойлашган "Ўзбекистон" кинотеатри. Бошланғич баҳоси – 609 753 774 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

"IPOTEKA BANK" АТИБ Меҳнат филиалида 0402005-сонли қатъий ҳисобда турувчи 0254566, 0254580 ҳамда 0254581-сонли бланкалар кассир М. А. Пулатова томонидан йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Аввал Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 18.04.2007 йилда № 002982-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "HILOLA" (ИНН 201013658) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли "HILOLA" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

ООО "TOSHKENT PROFESSIONAL FUTBOL KLUBI" (ИНН 302652818), зарегистрированное ИРСП Юнусабадского района за реестр. № 004553-07 от 03.07.2013 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Бодомзор, дом 33, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 4 от 20.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99891) 219-78-78.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 223-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1982-1983 ўқув йилида Ахмедова Мукаддас Маннофжановна номига берилган № 649711 рақамли 8-синфни битирганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 31-умумтаълим мактаби томонидан 1982 йилда Сон Лилия Борисовна номига берилган В № 854617 рақамли 10-синфни битирганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 2-мактаб томонидан 1977 йилда Пак Филипп Федорович номига берилган № 133214 рақамли 10-синфни битирганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей томонидан 2013 йилда Шавкатова Нозимахоним Бахтиёровна номига берилган L № 186918 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "AJIER" (ИНН 302722129), зарегистрированное ИРСП Мирабадского района г. Ташкента за реестр. № 006642-03 от 04.10.2013 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. А. Темура, дом 45, кв. 25, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение единого учредителя № 1 от 28.02.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 187-12-22.


## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни эълон қилади!

Бўстонлиқ тумани 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Зангиота тумани 1-сон давлат нотариал идорасига **1 нафар**
Зангиота тумани 14-сон давлат нотариал идорасига **1 нафар**
Бекобод тумани давлат нотариал идорасига **1 нафар**
Қуйи Чирчиқ тумани 1-сон давлат нотариал идорасига **1 нафар**
Бўка тумани 1-сон давлат нотариал идорасига **1 нафар**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2014 йил 13 март кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА

2014 йил
1 март

Китоб жавонингизга

# ЎЗИ КАБИ СОДДА, САМИМИЙ




**Пискентлик Собиржон Иномов "Қўмсаш", "Нажот кўприги", "Тун бағридаги шарпа", "Ҳаёт иншоси", "Чинорлар узоқ яшайдилар", "Кўзлари нигорон" каби тўпламлари билан мухлислар эътиборини қозонган камтар, камсуқум ижодкор. Аммо қалб туғёнлари, ҳаёт тажрибаларини қоғозга туширмаса туролмайди. Бу табиатан ишқли, дардли халқимизга хос хусусият. Унинг безовта қалби, кузатувчан нигоҳлари ҳаёт йўлларида учрайдиган ҳар қандай ҳолату сир-синоатларни зийраклик билан илғаб олади, ўз кечинмалари билан уйғунлаштириб, қоғозга тўкиб дардлашади.**

Турмуш ташвишларию, икир-чикирлари билан андармон, кўнгил кўзи хира тортиб қолган кимсаларни сезгирликка чорловчи ҳикоя, бадиалар яна бир тўпламга жо бўлиб, у "Йўл бўйлаб" деб номланибди. Мулоҳазаларимизни филология фанлари номзоди, доцент Абдумурод Тиловнинг фикрлари билан бошламоқчимиз: "Собиржон Иномов ҳикояларига том маънодаги бадиий талаблар билан эмас, балки покдил инсон кўнглини безовта қилган туйғуларнинг хокисор ифодаси сифатида қарашимиз керак".

Шу ўринда муаллифнинг йўл ҳақидаги сўзларини келтириш унинг ижоди борасидаги тасаввуримизни ойдинлаштириши шубҳасиз: "Ахир, шу йўлда ненe жумбоқларга жавоб топганман, турфа феъл-атворли одамларга рўбарў келганман. Бирига суянганман, бирини суяганман, биридан қувонганман, биридан ранжиганман. Улар менга барибир яқинларим бўлиб қолаверган".

Қисқаси, "Йўл бўйлаб" китоби шу қадрдонлар ҳақидаги самимий мулоҳазалардан иборат. Ҳикояларни ўқир экансиз, беихтиёр ён-атрофингизда кузатганларингиз ёдга тушгандай бўлади: "Ҳақиқатан ҳам шундайлар бор-а?" деб ўйлаб қоласиз. Эътиборлиси, Собиржон Иномовнинг ҳаёт ҳақиқатлари сизда шубҳа уйғотмайди: содда, самимий, беғараз. "Йўл одами", "Ака-укалар", "Инсоф", "Қўли очиқ одам", "Қишлоқлик олим", "Фариштали келинчак"... Шунингдек, уни ранжитган ҳолатлар сизга ҳам бегона эмас. "Таъма", "Отасининг эркаси", "Меҳрибон" она", "Ношукр", "Кўпдан ажралган одам", "Раҳмат"ни билмайдиган киши", "Ҳақ гапнинг тўқмоғи", "Сўнгги маъруза" каби ҳикоялар қаҳрамонлари кимларнидир эслатгандек бўлади.

Ижодкорнинг яна бир фазилати – она табиатга муҳаббати. У табиатга нописандлик билан қаровчи одамларни кечиролмайди, ҳатто оёқ остидаги майсага ҳам озор бермасликка ҳаракат қилади. "Йиғлаётган дарахтлар", "Боболар эккан ниҳол", "Жўшиб оққан дарёлар", "Балиқчи" ҳикоялари шундай таассурот уйғотади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳаёт йўллари ҳар кимнинг табиати, феъл-атворига қараб турфа ҳолатларни инъом этар экан, шу йўллардан эзгулик ахтариб яшаган киши яхши номга сазовор бўлиши шубҳасиз. Шу маънода ўз ҳаётини, унинг текис-нотекис йўлларидаги сир-синоатларни тақдир синови, тириклик неъмати, туҳфаси дея қабул қилолган соф кўнгил, меҳри дарё, сабр-тоқат, қаноатда беназир Собиржон Иномовнинг ҳаёт ҳақиқати, фалсафаси оддий: у яшашни, одамларни, табиатни севади, яқинларини, жамоасини қадрлайди: "Оз фурсат кўрмасам, ўша азизларимни соғинаман, ич-ичимдан қўмсайвераман. Билсангиз, уларни йўқотиб қўйишдан қўрқаман".

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Во ажаб

## СЕРИАЛ ЁРДАМИДАГИ ТАШҲИС

Кўпчилик узундан-узоқ сериалларни кўриш бекорчиларнинг иши дейишади. Лекин баъзида сериал томоша қилишнинг ҳам фойдали томонлари бўлар экан.

Бир неча ой давомида шифокорлар 55 ёшли эркакнинг касалини аниқлашолмади. Унда юрак фаолияти етишмовчилигининг оғир шакли сурункали иситма, кўрлик, карлик ва лимфа томирлардаги тугунлар яллиғланиши каби хасталиклар билан бирга кечмоқда эди.

Уринишлар натижа бермагач, беморни Юрген Шефер бошчилигидаги бошқа шифокорлар гуруҳига ўтказишди. Орадан беш дақиқа ўтмаёқ Юрген Шефер бемор кобальтдан заҳарланганини аниқлади. Бунга у яқиндагина кўрган "Доктор Хаус" сериалидаги кўринишни эслаб эришди. Беморда кечаётган аломатлар, касаллик белгилари худди сериалнинг навбатдаги қисмидаги воқеага ўхшарди.

Тўғри ташҳисга асосланиб, беморни даволашга киришилди. Тез орада ундаги касаллик белгилари йўқолиб, юрак уриши меъёрига қайтиб, бемор тузала бошлади.

Ўзининг таъкидлашича, Шефер телесериални қайта-қайта томоша қилар, ундаги жараёнларни лекциялари ва беморларни даволашда мунтазам равишда қўллаб келаркан.

– Сериалдаги воқеа-ҳодисалар айнан инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун кечадиган жараёнларни акс эттириши билан аҳамиятлидир, – дейди Юрген Шефер. – Фильмни соҳа ходимлари учун тайёр видеоқўлланма деб биламан.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.**

Жиноятга жазо муқаррар

**Меҳнат қилган кишининг ҳамиша ва ҳар ерда нони бутун бўлади. Ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига ризқини терибгина қолмай, ўзгаларга ҳам яхшилик соғиниб, нафи тегиб яшайди. Бироқ одамлар орасида шундайлари ҳам борки, дангасаликни касб қилиб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб умр кечиришга ҳаракат қиладилар.**



## СИРТМОҒИ ЎЗИ БИЛАН



Асли Самарқанд вилоятидан бўлган Жамол Тиллаев кишини абгор этиб, шармандаю шармисор қиладиган дангасалик иллатига дучор бўлганлар сирасидан чиқиб қолди. Қилар ишининг тайини йўқ, бироқ, ялагани асалу ичгани май бўлган бу кимсанинг юриш-туришига кўпчилик ҳайрат билан боқарди. Чунки, бир касбнинг бошини тутмаган, бирор жойда қўним топиб ишламайдиган киши ҳар қандай одамда шубҳа уйғотиши табиий. Ёши элликдан ошган бу кимсанинг шу зайлда ҳаёт кечириши ён-атрофдагиларнинг ғашини келтирар, унинг бир қинғирлиги борлигини кўпчилик сезарди.

Кейинчалик маълум бўлдики, у осонгина пул топиш йўлини танлаган, бунинг учун ҳар қандай разилликдан тап тортмайдиган хилидан экан. Яъни у гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланар, бу йўлда бир нечта ҳамтовоқлар ҳам орттирган экан.

Аслида бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Ж. Тиллаев илгари ҳам саёқ юргани учун судланган, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаганди. Тожикистонлик "ишбилармонлар" билан жиноий тил бириктириб, гиёҳванд моддаларни мамлакатимизга яширинча йўллар билан олиб кириб сотишни касб қилганди. Кўза кундамас, кунида синади, деганларидек Жамол Тиллаев ўзининг бу қилмишлари бир кун келиб, фош бўлишини билсада, таваккал иш тутар, шерикларидан олган гиёҳванд моддаларни майдалаб сотар ва шу билан тирикчилик қиларди.

2013 йил 20 июнь куни божхона ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда Ж. Тиллаев Тошкент шаҳридаги "Фарҳод" бозори олдида қорадори сотаётганда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Тергов-суриштирув ва суд жараёнларида Ж. Тиллаев барча қилмишларини тан олди. Бу ғаразли мақсад йўлида кимлар билан ҳамкорлик қилган, ҳаммасини рўй рост айтди.

Тан олмай иложи йўқ. Чунки, барча далиллар унга қарши. Ҳимоя қиларлик ёки оқлашга бирор асос йўқ. Бўлмайди ҳам. Кимларнидир ҳаётини дўзахга айлантирадиган заҳри қотилни тарқатадиган кимсани ким ва нима оқлаши мумкин? Ахир бугун ер юзида гиёҳвандлик оқибатида миллионлаб одамлар ҳаётдан кўз юмаяпти. Миллионлаб болалар етим ва ногирон бўлмоқда. Уларнинг қарғиши Жамол Тиллаевга ўхшаганларнинг ўзларини ҳам охир-оқибат касофатга йўлиқтириши тайин. Чунки бу – ҳисоб-китобли дунё. Қилмишга яраша ё мукофот ё жазоланиш муқаррар. Ж. Тиллаев ҳам суд ҳукмига кўра, яна 12 йил умрини қамоқда ўтказадиган бўлди.

Умид қиламизки, бу жазо йиллари зора унинг ақлини киритса-ю, айбларини ювишга киришса. Фақат бу ёғига фурсат етармикин? Ҳамма гап шунда.

**Элмурод ҚОДИРОВ.**




### КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНЯПТИ

**Reuters агентлиги БМТнинг қуролсизланиш масалалари бўйича олий вакили Анжела Кейннинг сўзларига таяниб, Сурияда кимёвий қуролларни йўқ қилишга киришилгани хусусида хабар тарқатди.**

Кейн мамлакатнинг ушбу саъй-ҳаракатини умуман, Сириядаги барча кимёвий қуроллар захирасини йўқ қилиш йўлида қўйилган дастлабки муҳим қадам дея баҳолади. Кимёвий қуролларни тақиқлаш ташкилотининг дастлабки режасига кўра, Сириянинг барча кимёвий қуроллари шу йил июнь ойининг охиригача йўқ қилинишини таъкидлади Кейн.

Шундай қуролларнинг энг муҳимларини йўқ қилиш мақсадида уларни ташишга 7 январда киришилган эди. Ўша кундан бир ҳафта илгари Россия ҳамда АҚШ билан ушбу жараён муддатлари тўғрисида келишиб олинди. Сурия ўшандаёқ кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва фойдаланишни тақиқлаш бўйича 1992 йилги Конвенцияга қўшилди.





### ЭҲТИЁТКОРЛИК ХАЛАҚИТ БЕРМАЙДИ

**Анъанавий Бостон марафони ташкилотчилари қатнашчилар учун ўзлари билан ҳар қандай халта-хулталар олишни тақиқлади. Associated Press ушбу янги қоидани Бостон енгил атлетика ассоциацияси эълон қилгани ҳақида хабар тарқатди.**

Янги тартиб-қоида бўйича, марафон иштирокчилари ўзлари билан олиб келадиган шахсий буюмларини аввал текширувдан ўтказишлари, сўнг ичи кўриниб турадиган пластик халтачаларга жойлаб олишлари керак бўлади. Бир литрдан ортиқ суюқлик, шу жумладан, шиша идишда сув олиш тақиқланган.

Ушбу янгиликнинг сабаби шундаки, 2013 йилнинг апрелида Бостон марафони финишида бир нечта портловчи қурилмалар ҳаракатга келтирилиб, уч киши қурбон бўлган, 260 дан зиёд киши жароҳат олганди. Хунрезликни содир этган ака-ука Тамерлан ва Жохар Царнаевларни қўлга олиш операцияси жараёнида Тамерлан отиб ўлдирилди. Жохарни эса суд жараёни кутмоқда. Шу йил ноябрь ойига мўлжалланган суд мажлисида Жохарни ўлим жазоси кутмоқда.

### ҚОНУНБУЗАРНИНГ ЖАЗОСИ ШУ

**Хитойнинг жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ли Дуншэн жиддий қонунбузарликда гумон қилиниб, вазифасидан четлатилганини маълум қилди ХХР Давлат кенгаши.**

Кенгаш эълон қилган баённомада келтирилишича, Дуншэнга ўтган йилнинг декабрь ойида "жиддий интизомий ва ҳуқуқий тартиббузарлик" қилгани ҳақида айблов юклатилганди. Бироқ, ушбу иш юзасидан бошқа маълумотлар ошкор қилинмади.

Хитойда коррупцияга қарши жиддий компания ўтказилаётгани ҳаммага маълум. Бу қатъий тадбир ҳукумат тепасига ХХР раиси Си Цзиньпин бошлиқ "бешинчи авлод" раҳбарлари келган пайтдаёқ бошлаб юборилган эди.



### НАМОЙИШЛАР САБАБЛИ ҚУРБОНЛАР КЎПАЙЯПТИ

**Венесуэла ҳукуматига қарши намойишлар оқибатида кейинги икки ҳафта давомида 50 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.**

Мамлакат президенти Николас Мадуро қишлоқ хўжалик ходимлари митингида сўзга чиқиб, ушбу маълумотни келтирди. Умуман, мухолифат тарафдорлари кўчаларда ўрнатаётган баррикада ва турли тўсиқлар одамларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Чунки врачлар ярадор бўлаётганларга вақтида тиббий ёрдам кўрсатолмаяптилар. Мадуронинг аниқлик киритишича, қурбонлардан 30 киши инфаркт хуружидан ҳалок бўлишган.



Баррикада ва тўсиқлардан ташқари, намойишчилар кўплаб резина баллон ёқишмоқда. Оқибатда кўп туманларни қуюқ тутун қоплаб олаяпти. Бу эса юрак-томир хасталикларига чалинган фуқароларни қийин аҳволга солиб қўймоқда.

### «ҚИЗИЛКЎЙЛАКЛИКЛАР» – ҲУКУМАТ ТАРАФИДА

**Таиланднинг ҳукумат тарафида туриб, ҳаракат қилаётган "қизилкўйлакликлар" ўзларининг "демократияни ҳимоя қилиш" акцияларини бошлашга қарор қилдилар.**

Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, ушбу қарор бош вазир вазифасини бажараётган Йинглак Чинават тарафдорларининг съездида қабул қилинди. "Биз бугундан бошлаб курашга киришамиз ва ғалабагача давом эттирамиз ёки шу хайрли йўлда қурбон бўламиз, – деди "қизилкўйлакликлар" учрашувида ҳаракат етакчиларидан бири Жатупорн Промпан. – Агар "қизилкўйлакликлар" курашга киришмас эканлар, март ойига бориб, Таиландда ҳукумат ҳам, демократия ҳам қолмайди".

Маълумки, Таиландда ҳукуматга қарши намойишлар 2013 йилнинг ноябридан буён давом этмоқда. Шунинг оқибатида мамлакат миллий мажлиси тарқаб кетди, навбатдан ташқари парламент сайловлари амалда барбод бўлди. Мухолифатчилар Чинаватни коррупцияда ва бекорорликда айблаб, унинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар.

"Қизилкўйлакликлар" Бангкокда ўз акцияларини қачон бошлашлари ҳали номаълум. Бироқ, ҳозир шу нарса аниқки, улар бир неча бор ҳукуматга қарши намойишчилар томонга ўтиб ҳаракат қилган судлар биноси олдида катта митинг ўтказиш ниятидалар.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОН

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) такроран қўйилмоқда: 1. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Кейс 2366" д.р. 14-64 ER. Бошланғич баҳоси – 48 545 358 сўм. 2. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. "Магнум 7240" д.р. 18-11 ЕД. Бошланғич баҳоси – 33 531 398 сўм. Юқори Чирчиқ тумани, МТП Янгибозор қўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. 3. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и.ч. "Зил 130" д.р. 10 318 ВАА. Бошланғич баҳоси – 8 017 515 сўм. Юқори Чирчиқ тумани, Истиқлол қ.ф.й., Арганчи универсал сервис МЧЖ гараж биносида сақланмоқда. 4. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-23,9", д.р. 11 АО 277. Бошланғич баҳоси – 3 300 840 сўм. 5. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-23,9", д.р. 11 АО 344. Бошланғич баҳоси – 5 017 276 сўм. 6. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-23,9", д.р. 11 АО 180. Бошланғич баҳоси – 1 136 777 сўм. 7. Чиноз тумани СИБ томонидан 2002 й. "Мидибус-24,9", д.р. 10 273 ААА. Бошланғич баҳоси – 8 333 399 сўм. 8. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 338. Бошланғич баҳоси – 1 923 099 сўм. 9. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 349. Бошланғич баҳоси – 1 923 099 сўм. 10. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 356. Бошланғич баҳоси – 1 282 066 сўм. 11. Чиноз тумани СИБ томонидан 2002 й. "Мидибус-24,9", д.р. 10 119 ВАА. Бошланғич баҳоси – 8 449 357 сўм. 12. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 278. Бошланғич баҳоси – 1 282 066 сўм. 13. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 357. Бошланғич баҳоси – 7 051 356 сўм. 14. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 АО 339. Бошланғич баҳоси – 1 923 142 сўм. 15. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 AJ 916. Бошланғич баҳоси – 6 750 072 сўм. 16. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-24,9", д.р. 11 AJ 904. Бошланғич баҳоси – 6 750 072 сўм. 17. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-М23,9", д.р. 11 AQ 152. Бошланғич баҳоси – 4 812 624 сўм. 18. Чиноз тумани СИБ томонидан 2001 й. "Мидибус-М23,9", д.р. 11 AQ 155. Бошланғич баҳоси – 5 240 412 сўм. 19. Чиноз тумани СИБ томонидан 1981 й. и.ч. "Газ 24" д.р. 11 С 9898. Бошланғич баҳоси – 608 795 сўм. 20. Чиноз тумани СИБ томонидан 1975 й. и.ч. "Уаз-469" д.р. 12 F 1109. Бошланғич баҳоси – 1 123 443 сўм. 21. Чиноз тумани СИБ томонидан 18.08.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. ГПТС-4-793, д/р. рақамсиз. Бошланғич баҳоси – 494 909 сўм. 22. Олмалиқ шахар СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Москвич 412, д/р. 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 411 664 сўм. 23. Олмалиқ шахар СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. Урал, д/р. 6981 ТША. Бошланғич баҳоси – 652 127 сўм. 24. Олмалиқ шахар СИБ томонидан 31.05..2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. Ваз 2105, д/р. 11 G 2126. Бошланғич баҳоси – 1 728 666 сўм. 25. Олмалиқ шахар СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. Газ 24, д/р. 11 Т 8467. Бошланғич баҳоси – 526 124 сўм. 26. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 06.10.2011 й. № 5-286-сонли ижро ҳужжатига асосан 3 дона "А-4-400-4УЗ" русумли електр двигателлари. Бошланғич баҳоси – 175 500 000 сўм. Ўрта Чирчиқ тумани Ангор қ.ф.й Қоторовул маҳалласида сақланмоқда. 27. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 25.06.2011 й. № 1-267-сонли ижро ҳужжатига асосан "Уаз" д/р. 10 А 516 DA. Бошланғич баҳоси – 1 562 573,60 сўм. Зангиота туман Кўксарой қ.ф.й.да сақланмоқда. 28. Бекобод тумани СИБ томонидан № 16625-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч. "CAPTIVA" д/р. 10 Н 055 FA. Бошланғич баҳоси – 69 397 200 сўм. 29. Бекобод тумани СИБ томонидан № 16626-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. "BMW" д/р. 11 S 4437. Бошланғич баҳоси – 9 297 000 сўм. 30. Бекобод тумани СИБ томонидан № 13515-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. "Москвич 412" д/р. 10 D 8096. Бошланғич баҳоси – 681 786,90 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдончаси. 31. Миробод тумани СИБ томонидан 06.09.2013 й. № 32175/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и/ч. "Нексия" д.р. 90 W 136 СА. Бошланғич баҳоси – 15 095 737 сўм. 32. Миробод тумани СИБ томонидан 30.10.2013 й. № 36234/19-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и/ч. "Эпика", д/р. 01 Т 786 GA. Бошланғич баҳоси – 56 000 000 сўм. 33. Миробод тумани СИБ томонидан 08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и.ч. "Даймлер Крайслер" д.р. 10 А 737 АА. Бошланғич баҳоси – 63 099 000 сўм. 34. Миробод тумани СИБ томонидан 30.05.2012 й. № 18782/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. и.ч. "Опел Вектра" д.р. 01 S 512 АА. Бошланғич баҳоси – 9 444 217 сўм. 35. Миробод тумани СИБ томонидан 01.06.2012 й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 01 Q 293 СА. Бошланғич баҳоси – 1 114 759 сўм. 36. Миробод тумани СИБ томонидан 01.12.2011 й. № 25109/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "Заз-968" д.р. М 4954 ТН. Бошланғич баҳоси – 169 451 сўм. "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланмоқда. 37. Миробод тумани СИБ томонидан 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 30 М 8549. Бошланғич баҳоси – 536 652 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда. 38. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и.ч. "Опел Омега" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 17 755 785 сўм. 39. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатига асосан СР416-плуг для обработки полей. Бошланғич баҳоси – 79 961 722 сўм. "Зафар-И" ХИЧТК божхона омбори, Тошкент шаҳар, Эски Отчопар кўчасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 40. Зангиота тумани СИБ томонидан 06.01.2014 й. № 13/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч. Нексия, д/р. 10 Х 076 ЕА. Бошланғич баҳоси – 30 446 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 31 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Гувоҳнома № 004593.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9307. Адади 18857. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.